



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSIION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIJ VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MADANIYAT VAZIRLIGI



BUXORO VILOYAT  
HOKIMLIGI



**BUXORO**

OLAMOI MADANIYATI MARKAZI

علماء المنطقة في العالم الإسلامي

— 2020 —

# THE SIGNIFICANCE OF BUKHARA IN THE ISLAMIC CIVILIZATION

## INTERNATIONAL SCIENTIFIC- PRACTICAL ONLINE CONFERENCE



**28-29 May, 2020  
Bukhara**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ  
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА  
КАФЕДРАСИ**

**“БУХОРОНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДАГИ ЎРНИ ВА  
УНГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ”**

**мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуман (видеоконференция)**

**МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**28-29-МАЙ 2020 ЙИЛ**

**БУХОРО, 2020 йил**

чегарадан ўтмайди, лекин гоҳо қуритишга ёрдам берувчи ёки бошқа бир важҳ билан ҳалок қилувчи сабабларнинг воқе бўлиши билан гавда ўша чегарага ета олмайди. Кўп кишилар мана шу (биринчисини) табиий ажал деб, кейингисини тасодифий ўлим деб атайдилар”<sup>1</sup>. Ҳақиқатдан ҳам гавда ҳарорати муайян иссиқлик орасида бўлади. Бу ирсий, онадан ўтган иссиқлик. Мана шу иссиқлик чегарасидан у ёхуд бу томонга ўтиш ўлимга олиб боради. Гавда иссиқлигининг табиий –туғма иссиқлик чегарасини аниқ кўрсатиб, чегарадан кейин ўлим, айнан табиий ўлим чегарасини кўрсата билди<sup>2</sup>.

Айнан мана шу ибора форс тилидан ўзбек тилида таржима қилинганда (таржима муаллифники-С.Ҳ.) бундай мазмунда бўлади:

“Ҳар бир тананинг қуриш билан қурашишида меъёр мавжуд, у меъёр инсоннинг табиий мижози хусусияти, туғма иссиқлик ва туғма ҳўллик миқдори билан боғлиқ бўлиб, шу меъёрдан ўтиб кета олмайди. Лекин, мумкинки, деб ёзади Ибн Сино, инсон бадани турли сабабларга кўра қуришга юз тутуди, Ёхуд бошқа сабабга кўра, ҳалокатга юз тутуди. Чунки ўз вақтидан олдин шу меъёрга етган бўлади. Кўп кишилар узоқ умрлиликни – узоқ умр кўришни табиий ўлим ва иккинчи ҳолатни эса аразий (сунъий, табиий ўлимдан олдинги ўлим дейдилар”<sup>3</sup>.

“Ҳар гоҳ хушқшавии пурра ба анжом бирасад, (гармии) модарзоди хомўш гардада ва марги табиий фаро расад”(саҳифа 176). Мазкур фикрни таржимаси: “Инсон танасидаги туғма-ирсий ҳароратнинг тўлиқ йўқолиши ёхуд ниҳоясига етгандан сўнг (кейин) туғма иссиқлик яъни тананинг туғма табиий ҳарорати йўқолади ва табиий ўлим содир бўлади”<sup>4</sup>.

Инсон икки олам – моддий (табиий) ва маънавий (руҳий) олам ягоналигига эга бир бутун олий мавжудот. Оламни асраш ҳам, олам мулкидаги тартибга риоя этиб яшаш ҳам унинг зиммасида.

## ХОЖАГОН ТАРИҚАТИ ХОРИЖИЙ ШАРҚШУНОСЛАР НАЗДИДА

*Ойгул Шарипова –ф.ф.н., доц,  
БухДУ, Ўзбекистон*

Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги нишонланди. Ушбу муддатда қанчадан-қанча улўғвор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ҳамда 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида” ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2995-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сон “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва кўллаб қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари Ватанимиз келажаги бўлган ёш авлодни юксак маънавиятли бўлишига қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунасиدير

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий - тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2855- сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил март ойида Бухоро вилоятига ташрифлари доирасида билдирган фикрлари ва топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

<sup>1</sup> Ибн Сино.Тиб қонунлар. Уч жилдлик сайланма. 1-жилд.Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1992. 72-бет.

<sup>2</sup> Қаранг.:Абу Али Ибн Сино. Қонун тиб: Иборат аз 5 китоб.-Душанбе.:Сарредакция илмий Энциклопедияи Советии Тожиқ.1991. Китоби 1. (Андар умури ҳамагонии пизишки).384 саҳифа. Биз таҳлил этган саҳифа 174-саҳифа.

<sup>3</sup> Мафхуми “Гарми модарзоди” ва “марги табиий”// Дар “Китоб ал-қонун фи тиб”и Ибн Сино. -Душанбе.: Сарредакция илмий Энциклопедияи Советии Тожиқ.1991. Китоби 1. 174-саҳифа.

<sup>4</sup> Абу Али Ибн Сино. Канон врачебной науки. Изд.второе. изд. «Фан».Т., 1981. Ибн Сина. Избранные философские произведения. М., «Наука». 1980. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. Т., «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси» нашриёти. 1992. Т. 1, 2, 3. Ибн Сина. Поэма о медицина. (Урджуза) Избранное. Изд. ЦК Компартии Узбекистана. Т.,1981.

Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонда Ислом маданияти марказини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3080-сонли Қарори ва 2017 йил 11 июлдаги “Абдуҳолик Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги Ф-4988-сонли Фармойишлари шу соҳадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаб берди.

Миллий кадриятларни, урф-одатларни, тарихий, маданий - маърифий меросни тиклаш улуг мутафаккирларимизнинг таълимотларини ўрганиш, илмий- назарий жиҳатдан таҳлил қилиш шу асосда туғилган фикр ва мулоҳазаларни ёшлар онгига синдириш, Ўзбекистонда тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш учун дунёвий таълим ютуқларини жорий этиш билан бирга маънавият оламининг муқаддас китоби ва рисоалари, тасаввуф илмининг намояндлари асарларидан илмий равишда кенг фойдаланиш лозимлиги доимо таъкидланади.

Шу мақсадда тасаввуфий ирфоний таълимотнинг буюк асосчиларидан бири сифатида Хўжаи Жаҳон Абдуҳолик Ғиждувоний таълимотини ўрганиш жуда муҳим аҳамиялидир.

Абдуҳолик Ғиждувонийнинг тасаввуфий, ирфоний, ахлоқий таълимотини ёритишда хорижий шарқшуносларнинг ҳиссаси жуда ҳам сезиларлидир. Масалан, Германиянинг шарқшунос олимаси Аннемари Шиммель ўзининг «Ислом оламининг тасаввуфий таълимоти» асарида ёзадики, Ҳамадонийнинг энг истеъдодли халифи-издоши Абдул Абд ал-Ҳолик Ғиждувоний эдики, ўз муршидининг таълимотини тарғиб этиш, тарқатиш билан бирга, ўзи тасаввуфнинг хўжагон тариқатига янгиликлар киритиб, кейинчалик, Нақшбандия тариқати амалиётининг асосига айланган саккиз қондани ишлаб чиққан. Баҳоуддин Нақшбанд расмий жиҳатдан Хўжагон тариқатининг июнат этувчиси бўлсада, унинг тариқатининг асл моҳиятини ишлаб чиққан ориф Ғиждувоний ҳисобланади.<sup>1</sup>

Англиялик шарқшунос олим Тримингэм Ж.С. ўзининг “Исломда сўфийлик мазҳаблари” номли асарида ёзадики, Нақшбандия анъанаси Баҳоуддинни унинг номи билан юритиладиган тариқатнинг асосчиси ҳисобламайди ва худди шунинг учун ундан (яъни Баҳоуддиндан) муридларининг йўналиши силсиласи ат-тарбия вужудга келмаган. Тариқат тарихига тааллуқли асарнинг муаллифи Фаҳриддин бинни Хусайиннинг “Рашахот айн ал-Хайат” номли асарида ёзишича: “Мазкур тариқатнинг бошловчиси Абу Якуб Юсуф ал - Ҳамадоний ҳисобланиб, бироқ унинг халифи руҳий устози - асосчиси шу тариқатнинг янги, унинг амалиётига хос бўлган таълимотнинг яратувчиси Абдуҳолик Ғиждувонийдир. Мазкур тариқатда қабул этилган амалиётнинг хабси дамни руҳий билиб олиш-гносизни ал-Ҳадирдан ўрганган эди... Аммо Нақшбандия номи билан машҳур бўлган тариқат, замонларнинг вайрон қилувчи таъсиридан қатъий назар мураббийлик, таълим ва маросимнинг софлиги каби Абдуҳолик Ғиждувоний таълимотининг генийлик, яъни даҳолик таъсирини йўқотмаган”.

Россиялик шарқшунос Алексей Хисматулин “Сўфийлар ҳикмати” номли асарининг Шаҳобиддин, Муҳаммад Порсо, Маҳдуми Аъзам рисоаларининг сўз бошида Абдуҳолик Ғиждувоний ҳақида қисқача шундай ёзади: “Ҳожагон Марказий Осиёдаги тасаввуфий-диний оқимнинг номидирки, бу оқим турли вақтларда XII-XV асрнинг охиригача турли даражадаги сўфийлар жамоаси ҳисобланарди. Маънавий мерос сифатида қабул қилиб келинган, унинг асосчиси аслида Абдуҳолик Ғиждувоний ҳисобланади. Ғиждувонийдан Баҳоуддингача мерос сифатида ўтиб келган маънавий силсилани кўриб чиқсак, унда аниқланадики Нақшбандия номи билан тарқалган Ҳожагоннинг мубошири Абдуҳолик Ғиждувоний ҳисобланади.”<sup>3</sup>

Демак, юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, хожагон – нақшбандия тариқатининг асосчиси, буюк мутасаввиф Абдуҳолик Ғиждувоний таълимоти ғарб илм аҳли томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўрганилгандир.

<sup>1</sup> Қаралсин: Аннемари Шиммель. Мир исламского мистицизма. Инглиз тилидан рус тилига таржима. – М.: Алетея, Энигма, 1999. – С.282.

<sup>2</sup> Қаралсин: Дж.С.Тримингэм. суфийские ордена в исламе. Инглиз тилидан рус тилига таржима қилинган. Москва: Наука, 1989. –С.61.

<sup>3</sup> Қаралсин: Мудрость суфиев. Шахабиддин Махамад Парсо. Маҳдуми Аъзам.- Санкт- Петербург: Петербургское востоковедение, 2001. –С.16.

Ҳозирда ҳам мамлакатимизда маърифий исломни ривожлантириш, буюк алломалар кадамжоларини обод қилишга қаратилган эътибор халқаро миқёсда тан олинмоқда. Хусусан Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ISESCO томонидан Бухоро шаҳри 2020 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинди.

Муҳтараам Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий – иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2019 йилнинг март ойидаги Бухоро вилоятига ташрифини Абдуҳолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишишдан бошлади.

Давлатимиз раҳбари бундан олдинги ташрифлари чоғида Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ориф Ревгарий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Маҳмуд Фағнавий, Саййид Амир Кулол меъморий мажмуаларини ўз ичига олган “Етти пир” зиёратгоҳини замон талаблари даражасида реконструкция қилиш ва уларни боғловчи янги сайёҳлик йўналиши ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эдилар.

Шунга мувофиқ, “Етти пир” зиёратгоҳларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Абдуҳолиқ Ғиждувоний мажмуасида янги масжид ва ёзги айвон, ҳазира ёдгорлиги ва зиёратгоҳ қошида меҳмонхона қурилмоқда, мажмуа атрофи ободонлаштирилмоқда.

“Китобда ўқиш бошқа, зиёрат қилиб, юракдан ўтказиб ўрганиш бошқа. Бу жой маърифат маркази бўлиши, одамлар ўзига илм олиб кетиши керак”<sup>1</sup> деди Шавкат Мирзиёев.

Бу масканларни обод қилиш билан бирга “Етти пир” ҳақида китоб яратиш, уларнинг илмий меросини тарғиб этиш зарурлиги таъкидланди.

“Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу хазинани мукамал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга Шу маънода маданий меросимизни, ўтмиш кадрларимизни кенг ва ҳар томонлама ўрганиш ҳозирги миллий маънавиятимизнинг чуқур тарихий илдизларининг шаклланиш босқичлари ва хусусиятларини очиб бериш учун зарурдир. Миллий маданиятимизни мустаҳкамлаб, унга ҳар томонлама узлуксиз ривож бериш, келгуси маънавий юксалишимизни таъминлаш учун тарихий илдизларимизни мустаҳкамлаб ва бу орқали унинг ўзига хос хусусиятларини йўқотмаган ҳолда жаҳон маданияти ютуқларини ўзлаштириш каби масалалар борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда.

## ДАРВЕШ ЭЪТИҚОДИ

*Ҳайитов Шавкат Аҳмадович*  
*БухДУ. доценти, Ўзбекистон*  
*Отаниёзова Дилсора Комиловна*  
*Магистр, Ўзбекистон*

Алишер Навоий таъкидича, башар фарзанди эҳтиёжининг чеку чегараси йўқ. Инсон дилидаги ҳою ҳавасларнинг ҳаммасини «биткараман», - деб саъй ҳаракат қилса, янглишади. Негаки, одам хирсини қайнатган истаклардан бирини қондирса, иккинчиси, ундан кейин учинчиси, ундан сўнг тўртинчиси... оғиз очиб тураверади, алангаланаверади: «...ул кераклик нималардин бир нечаси муяссар бўлса, яна анинг итмоми ва такмилиға юз онча, балки кўпрак керак бўлур ҳам анинг анжомин тааққул қилса ул ҳам мужиби завоидлар бўлур. Андоққим, анинг саранжомининг тасавури маҳолатга юз кўяр»<sup>2</sup>.

Дунёга хирс қўйган кишининг кўзига дунёдаги ҳар бир ёқимли нарса унинг нафси, унинг хирси учун яратилгандек кўринади. Дунё эса унинг хирсини кўзғатиш учун ясениб товланишда давом этаверади. Оқибат елдириб-югуртириб адо қилади. Холиқ бандалигини

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 2019 йил, 30 март №61

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Маҳбубул – кулуб. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 14-жилд. – Т.: Фан, 1998. -162 б. Бундан кейин шу асарга мурожаат қилинганда саҳифани кўрсатиш билан чекланамиз.